



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз – бирликда, муваффақият сари йўлимиз – дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

O'ZLIDEP SIЁSIY KENGAШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

22 ЙИЛ – СИНОВЛАР, КУРАШЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ДАВРИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Сайловолди дастури ижроси, партиядан вакиллик органларига сайланган депутатлар фаолияти, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, Бошланғич партия ташкилотлари билан боғлиқ йўналишдаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди.



Йиғилишни О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов кириш сўзи билан очиб берар экан, аввало, қутлуғ сана, яъни партия ташкил топганининг 22 йиллиги билан барчани самимий табриклади.

Сўнг сиёсий кучнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни хусусида батафсил тўхталди: – 2003 йил 15 ноябрь куни бўлиб ўтган таъсис съездида партияимиз ташкил топган эди. Бу сана бизлар учун ниҳоятда муҳим ва қадрли. Кўпчилик яхши эсласа керак, ана шу тарихий съездда бевосита қатнашган партияимиз фахрийларидан айримлари бугунги тадбиримизда ҳам иштирок этишяпти. Уларга ҳар қанча раҳмату таҳсинларимизни айтсак арзийди. Яна бир эътиборли жиҳати, партияимизнинг кейинги тараққиёт йўли, унинг оёққа туриши ва ғоявий-мафкуравий асосларининг шаклланиши ва етакчи сиёсий кучга айланишида бугун давлатимиз раҳбари сифатида фаолият юритаётган Шавкат Мирзиёевнинг ҳам беқиёс ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Энди ушбу ҳаётий мисол ва рақамлар-

га бир эътибор берайлик: О'zLiDeP ўтган 22 йил давомида 5 марта президентлик ва 5 марта парламент сайловларида муваффақиятли иштирок этди. Бугунги кунда 16 минг 500 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотларида 2 миллион 100 мингга яқин аъзони бирлаштирган йирик сиёсий куч сифатида намоён бўлмоқда. Айни вақтда партияимиз 100 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ҳар йили ушбу лойиҳалар доирасида миллионлаб юртдошларимиз қамраб олинапти.

Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар “Инсон қадрли учун” деган тамойил асосида амалга оширилмоқда. Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик бутунлай қайта кўриб чиқилди. Хусусий бизнесга, тадбиркорлик фаолияти юртилиши учун қулай шароитлар яратилишини кўзда тутувчи ҳуқуқий асослар яратилди.

Буни дунё ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Кичик ва хусусий бизнес субъектлари 2 баробарга кўпайди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ишбилармонлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Партиянинг “Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш” лойиҳаси доирасида 436 та учрашув ўтказилиб, 13 мингдан ортиқ тадбиркорнинг фикри, талаб ва таклифлари ўрганилди. 800 дан зиёд мурожаат эса жойида ҳал этилди. “Тараққиёт нуқтаси” клуби ва “Бизнес плюс” подкасти эса тадбиркорлар манфаатини ишончли ҳимоя қилишда муҳим майдонга айланди.

Бир сўз билан айтганда, партияимизнинг “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамыз!” шиори остида ишлаб чиқилган Сайловолди дастури доирасида белгиланган 500 вазифанинг 93 таси (18,6 фоиз) тўлиқ бажарилди, 407 таси бўйича амалий ишлар изчил давом этмоқда.

3



ФОРУМ

О'zLiDeP КАШФ ЭТГАН ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР

ҳар жабҳада фаол, ҳар ишда етакчи

19 ноябрь – Халқаро тадбиркор аёллар куни муносабати билан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан “Ишбилармон аёллар” форуми ўтказилди. Пойтахтимиздаги “City palace” меҳмонхонасида уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ғолиблари, довруғи баланд тадбиркор хотин-қизлар ҳамда партия фаоллари қатнашди.

Дастлаб партия ташаббуси билан 2016 йилдан буён ўтказиб келинаётган

“Ишбилармон аёл” республика кўрик-танловининг амалий натижалари сарҳисоб қилинди. Таъкидланганидек, ташкил этилганига 10 йил тўлган мазкур лойиҳа доирасида 60 мингдан ортиқ хотин-қизлар қамраб олинди, 20 мингга яқин тадбиркор ва фермер аёллар ўз маҳсулотлари билан кўргазмаларда иштирок этди. Уларнинг аксарияти партия билан доимий ҳамкор, бошланғич партия ташкилотлари тузишди, айримлари эса маҳаллий кенгашлар ва парламентга депутат этиб сайланди.

2

“XXI ASR” га

обуна бўлинг,

машина миносиз!

Шу кунларда барча босма нашрлар кейинги йил обунаси учун жиддий ҳаракатга киришган. Албатта, дасти узун ва иқтисодий жиҳатдан бақувватларининг кўнгли тўқлиги аён. Аввало, бу жараён жамият манфаати ва халқимиз маънавияти, тафаккурини ошириш баробарида мутолаа маданияти, саводхонлик даражасини ҳам шакллантиришда ўзига хос барометр вазифасини ўташи оддий ҳақиқат. Шу маънода Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муассислигида 2004 йилдан бери мунтазам chop этиб келинаётган “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти бугундан эътиборан кутилмаган ТАШАББУСНИ бошлаб берапти. Бу, бевосита 2026 йил обунасини юксак савияда ташкил этган юридик шахсларни рағбатлантириш мақсадида уюштирилмоқда.



Демак, талаб ва таклиф шундай:

2026 йилда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасига

1500 донга йиллик обуна учун – “BYD CHAZOR CHAMPION” автомашинаси

1000 донга йиллик обуна учун – “Cobalt Midnight MCM” автомашинаси

500 донга йиллик обуна учун –

iPhone 17 Pro Max билан тақдирланади!

Танловда қатнашиш учун фақат таҳририят билан тўғридан-тўғри тузилган шартнома инобатга олинади.

Йиллик обуна бўлиш учун белгиланган муддат – 25 декабргача. Газетанинг бир йиллик обуна нархи 840 000 сўм.

Мурожаат учун телефонлар:

(71) 255 68 50, (71) 255 45 08, +998 (97) 266 50 44

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

О‘ZLiDeP КАШФ ЭТГАН ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР

ҳар жабҳада фаол, ҳар ишда етакчи



Севара МУСЛИМОВА, О‘ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир:

– Бугун аёллар нафақат оила ва жамият ҳаётида, балки иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, хусусий сектор ва кичик бизнесда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. Сўнгги саккиз йилда хотин-қизларнинг бизнес салоҳиятини оширишга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб, имтиёзли кредитлар, грантлар, таълим ва маслаҳат дастурлари орқали аёллар тадбиркорлиги кенг қўллаб-қувватланаётир. Шаҳарларда хусусий фирмаларнинг 15 фоизи, қишлоқ ҳудудларида эса 7 фоизи аёллар раҳбарлиги остида фаолият юритмоқда, якка тартибдаги тадбиркорлар орасида опа-сингилларимиз улуши 40 фоизга яқинлашгани фикримиз тасдиғидир. Бугунги форум хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтириш, бизнес юритишдаги муаммо ва тақлифларини муҳокама қилиш, уларни сиёсий жараёнларга янада фаол жалб этишга хизмат қиладиган очик мулоқот майдони вазифасини ўтайди.



Наргиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О‘ZLiDeP фракцияси аъзоси:

– “Ишбилармон аёл” танлови ҳаётимдаги энг муҳим воқеалардан, у менга фақат рағбат ва ғалаба ҳиссини эмас, янги дунёқараш, ташаббускорлик ва ўз салоҳиятимга бўлган қатъий ишончни ҳам берди. 2018 йилда республика босқичида, кейинчалик икки марта “Ташаббус” кўрик-танловида ғолиб бўлиб, Президент совғасига сазовор бўлганим бунинг исботи. Шу куч-ғайрат менга сиёсий майдонга қадам қўйиш ва бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида халқимизга хизмат қилиш шарафини берди.

Танлов мен каби юзлаб аёлларимиз учун илҳом ва жасорат манбаи бўлди. Бугун уларнинг кўпчилиги ўз бизнесини йўлга қўйди, юзлаб иш ўринлари яратди, иқтисодий мустақилликка, ўз фикрига эга ва ҳаётда ўз ўрнини топди.



Бахтиёр РУХИТДИНОВ, О‘ZLiDeP Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва партия дастурлари мониторинги департаменти раҳбари:

– 2024 йилдан бошлаб танловнинг маҳалла босқичлари жорий этилиши аёлларнинг ҳар бир ҳудуддаги фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди. Бу жараён орқали партиянинг ҳар бир

маҳаллага кириб бориш, уларни ҳамкорлик ва тажриба алмашишга жалб этиш имконияти янада кенгайди. Бугунги анжуман доирасидаги очик мулоқот ва амалий муҳокамалар ҳам аёллар тадбиркорлигига кўмак беришининг янги йўналиш ва ечимларини ишлаб чиқишда муҳим омил бўлади.

Дарҳақиқат, форум доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган етакчи тадбиркор аёллар ўз тажрибалари, муваффақиятлари ва инновацион ёндашувлари билан иштирокчиларга маҳорат дарслари ўтишди. Шунингдек, аграр сектордаги имкониятлар, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий иқтисодиёт драйверларини шакллантириш борасида амалий тақлиф ва тажрибалари билан ўртоқлашишди.



Барно МИРЗАМОВА, Наманган вилоятидаги “Ўйчи обод замини” фермер хўжалиги раҳбари, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳибаси:

– Ушбу лойиҳа менинг фаолиятимда ҳам катта бурилиш ясади. Унда ғолиб бўлдим, партия кўмаги ва ишончи билан ҳаётимда янгидан-янги имкониятлар эшиги очилди. Фермер хўжалигимизда инновацион технологиялар жорий этилди, фаолиятимиз кўп тармоқли йўналишда ривожланди. Энг муҳими, хўжалигимиз орқали бир қанча аёлларни иш билан таъминлашга эришдик.

Буни қарангки, парламент куйи палатасида депутат сифатида фаолият юритиш ҳам насиб этди. Беш



йил давомида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор қонунчилик ташаббусларида иштирок этдим. Бу фаолият давомида мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдимки, аёлларимиз ҳар қандай йўналишда, ҳатто аграр соҳада ҳам юқори натижаларга эриша олади.

Мана, барчамиз гувоҳмиз, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида уларнинг ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Нафақат деҳқончилик ва чорвачиликда, интенсив боғдорчилик, паррандачилик, асаларичилик каби замонавий йўналишларда ҳам улар фаол. Ерга меҳр билан ёндашиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунда давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, имтиёзли кредитлар катта тиргак бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз

АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТАЁТГАН БИРОДАРЛИК

Марказий Осиё давлатлари бир-бирини яқин тарих, бой маданий мерос ва умумий иқтисодий мақсадлар муштараклиги билан боғлаб туради. Сўнгги саккиз йил давомида минтақа ўзининг янги – юксалиш ва ҳамжиҳатлик босқичига қадам қўйди. Мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат тамойилларига асосланган ҳақиқий ҳамкорлик муҳити қарор топмоқда.

Президентимиз раислигида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақада ўзаро ишонч-ни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳамкорликни кенгайтириш, экологик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда янги босқични белгилаб берган тарихий аҳамиятга эга тадбир сифатида эътироф этилмоқда.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Жумладан, Ислом цивилизацияси марказининг ёшлар, айниқса, уларнинг илмий ва маънавий камолотини юксалтиришда жозибадор масканга айланаётгани алоҳида таъкидлангани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Саммит арафасида пойтахтимизда илк бор ўтказилган Маънавий мерос ва маърифат масалаларига бағишланган халқаро конгрессни мунтазам тарзда ташкил этиб бориш ташаббуси қардош халқлар ўртасидаги маънавий дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Умумий маданий-тарихий меросимиз, илмий билимлар ва ғояларни тарғиб қилиш йўлида ноёб илмий-маданий платформа сифатида фаолият юритаётган Ислом цивилизацияси маркази қардош мамлакатлар ёшлари учун илмий изланиш ва маънавий юксалиш имкониятларини кенгайтириши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томо-

нидан минтақамизнинг улуғ алломалари ва мутафаккирларининг жаҳон маърифат тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси иштирокчилар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Шунингдек, илмий-таълим кооперациясини чуқурлаштириш, давлатлараро илмий лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамият ташаббусларини рағбатлантириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш имкониятларини ошириш мақсадида Минтақавий илмий тадқиқотлар жамғармасини ташкил этиш тақлифи илгари сурилди.

Президентимиз ўз нутқида минтақавий интеграцияни янги босқичга кўтариш, институционал асосларни мустаҳкамлаш, инфраструктура, транспорт ва логистика, иқтисодиёт ва инвестициялар, хавфсизлик, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлади. Ушбу йўналишлар бўйича қатор амалий ташаббуслар тақдим этилди.

Минтақамиз минг йиллар давомида жаҳон цивилизацияси ва илмий тафаккур ривожига йўл очган, халқларни бирлаштирган маданий ва маънавий марказ сифатида танилган. Шу боис маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш бугунги кунда биродар халқларимизнинг умумий озу-интилишларига тўлиқ жавоб беради.

Анжуман арафасида Тош-



Шухрат АСЛАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

кент шахрида ўтказилган Маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган биринчи халқаро конгресс миллатлараро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди. Бундай форумларни ҳар йили раислик қилувчи мамлакатда ўтказиб бориш тўғрисидаги келишув иштирокчилар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, мамлакатларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш ва сунъий интеллект технологияларини амалиётга жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Минтақавий илмий тадқиқотлар жамғармасининг ташкил этилиши муҳим қадам сифатида баҳоланди.

“Бизнинг кучимиз – бирликда, муваффақият сари йўлимиз – дўстлик ва ҳамкорликда”, – деб таъкидлади Президентимиз. Шу

муносабат билан Туркменистоннинг “Марказий Осиё – Озарбойжон” форматидagi навбатдаги Маслаҳат учрашувига раисликни қабул қилиб олгани муносабати билан қўтлаб, унинг мезбонлик давридаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёргилигини билдирди.

Ушбу тарихий саммит минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни ошириши билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, инновациялар ва рақамли технологиялар соҳаларида тажриба алмашиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда мустаҳкам замин яратди. Анжуманда қабул қилинган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишга қаратилган умумий мақсад мужассам экани яна бир бор тасдиқланди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ИСЛОМИЙ БАНК: ИШОНЧ ВА ШАФФОФЛИК УСТУВОР БЎЛМОҒИ ШАРТ!

Мамлакатимизда молия бозорини либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар эҳтиёжларига жавоб бера оладиган янги молиявий механизмларни жорий этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда миллий молия тизимида янги йўналиш – исломий банк фаолиятини ривожлантириш бўйича муҳим қадам қўйилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан “Исломий банк фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниб, Сенатга юборилгани мамлакат молия секторини янада диверсификация қилиш, жамиятда шаффоф ва адолатли молиявий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Янги қонун халқимизга фозисиз, шариат қоидаларига асосланган молиявий хизматлардан фойдаланиш имконини тақдим этади.

Таъкидлаш жоизки, исломий банк тизими – бу фақат диний мезонларга асосланган модель эмас, балки адолат, шериклик, масъулият ва молиявий барқарорликка таянган замонавий иқтисодий тизимдир. Хусусан, мазкур молиявий тизим йўналишида, фозиз (рибо) олиш ва бериш қатъиян тақиқланиб, инвестициялар фақат реал иқтисодий фаолиятга йўналтирилади. Яна бир қўлай жиҳати шундаки, банк ва миқоз тушум ва зарарни шерикчилик асосида бўлишади. Аҳамиятли томони, молиявий муносабатларда шаффофлик ва ишонч устувор қиймат сифатида қаралади.

Ушбу тамойиллар банк тизимида барқарорлиқни таъминлаш, молиявий хатарларни пасайтириш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қабул қилинган қонун лойиҳаси исломий молияни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бу йўналишда фаолият юритувчи ташкилотлар учун аниқ ва барқарор қонунчилик базасини яратишни назарда тутди. Жумладан:

- исломий банк фаолиятини йўлга қўйиш учун лицензиялаш тартиби ва ягона талаблар белгиланади;
- “исломий молия”, “инвестициявий депозит”, “шариат кенгаши” каби асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи киритилади;
- исломий банкларга савдо фаолияти билан шуғулланиш, юридик шахслар ташкил этиш, акциялар ёки улушлар сотиб олиш ҳуқуқи берилади;
- исломий молия операциялари учун махсус солиқ тартиби жорий этилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги тизим нафақат молия бозорини кенгайтиради, балки аҳолининг банкларга бўлган ишончини оширади, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари учун фозисиз молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва инвестиция оқимини оши-




Маъруфжон РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О‘ZLiDeP фракцияси аъзоси

ришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасида назарда тутилган шариат кенгашири институтини эса молиявий операцияларнинг шариат талабларига мувофиқлигини таъминлаш, фаолиятда шаффофлик ва ҳалолликни кафолатлашда муҳим ўрин тутди.

Ҳўш, бу борада хориж тажрибаси нима дейди? Исломий банклар қанчалик самарали? Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Малайзия, Саудия Арабистони, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон каби қатор мамлакатларда исломий банк тизими анъанавий банклар билан бир қаторда муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жаҳон бозориди исломий молия активлари ҳажми 4,5 триллион доллардан ошиб кетгани бу соҳанинг улкан салоҳиятидан дарак беради.

Ўзбекистонда исломий банк тизимининг жорий этилиши халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Мухтасар айтганда, исломий банк тизимини жорий этиш – бу шунчаки молиявий ислохот эмас, балки мамлакатимизда янги иқтисодий маданиятни шакллантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Шариат талабларига асосланган фозисиз ва адолатли молия модели жамият фаровонлигини ошириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



22 ЙИЛ – СИНОВЛАР, КУРАШЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ДАВРИ



Абдулло АСЛОНОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Қонун ташаббускорлиги йўналишида ҳам партиямиз фракцияси аъзоларининг фаоллигини қайд этиш жоиз. Биргина 2025 йил давомида фракциямиз фаолиятида тизимли ўзгаришлар амалга оширилди. 5 май куни “Миллий тикланиш” демократик партияси билан Тараққиёт блокни тузиш бўйича имзоланган битим натижасида 93 нафар депутат бирлашиб, парламентда кўпчилик овозга эга бўлди. Бу эса ташаббусларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий ҳажми ва қонун ижодкорлиги ва назорат функцияларимизнинг самарадорлигини оширди.

Фракциямиз аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 2 та, ҳамташаббускорликда эса 11 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Лойиҳалар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий жавобгарлик, ноширлик фаолияти каби устувор масалаларни қамраб олди.

Фракция ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, инвестициялар ва экспорт, спорт, энергетика, ташқи ишлар каби соҳаларда мансабдорларнинг ахборотлари эшитилди. Сув тежамкор технологиялар, қишлоқ хўжалиги стратегияси ижроси, қайта тикланувчи энергия, темирйўллар трансформацияси, кадастр ва ер муносабатлари масалалари қизғин муҳокама қилинди.

Амалда 36 та депутатлик сўрови юборилиб, соҳавий ислохотлар жаллалаштирилди. Фракциямиз аъзолари жойлардаги ўрганишларни кенгайтирди: агробизнес, кичик саноат зоналари фаолияти, энергия самарадорлиги, бандлик, давлат-хусусий шериклик, инфратузилма масалалари устувор тарзда кўрилиб, 300 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Бугун маҳаллий кенгашларда 1 878 нафар депутатимизнинг ташаббуси билан 4 297 та депутатлик сўрови киритилиб, уларнинг 86 фоизи ижобий ҳал этилди. “Депутат – тадбиркорлар мулоқот форуми”, “Депутат инвесторга мададкор” доирасида 2 774 та инвестиция лойиҳаси мониторинг қилинди. Фракция ва маҳаллий кенгаш депутатларининг ташаббускор фаолияти партиянинг таъсир кучини ошириб, жойларда ислохотлар ва қонунлар ижросини амалий натижалар билан таъминламоқда.

– Ўтган даврда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги ролини кучайтиришга қаратилган лойиҳалар янги сифат босқичига кўтарилди.

Бугун партия аъзоларининг 60 фоизи 35 ёшгача бўлган ёшлардир. Ёшлар парламентида эса 64 нафар партия вакили фаолият юритмоқда. Улар нафақат қўлатувчи, балки ташаббускор кучга айланмоқда. Йил давомида ёшлар билан ишлаш йўналишида 742 та тадбир ташкил этилди, 74 минг ёш қамраб олинди. Шу билан бирга, яқинда Олмалиқ шаҳрида илк бор “Креатив тадбиркор ёшлар форуми” ўтказилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу форум ёш авлоднинг ижодкорлик салоҳиятини амалий бизнес ғояларга айлантиришда муҳим мактаб бўлди. Форумда стартап, дизайн, рақамли контент, креатив хизматлар соҳаларидаги 100 га яқин лойиҳа тақдим этилди. Энг фаол лойиҳа муаллифлари ва стартапчилар махсус сертификат ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. “Ёшлар минбари” платформаси орқали келган 589 та мурожаатнинг 548 таси ижобий ҳал этилди. Бу партиянинг ёшлар билан икки томонлама мулоқот маданиятини шакллантираётганидан далолатдир.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни тадбиркорликка жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аёллар ишти-



Гулшана ХУДОЁРОВА, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ёшлар ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

рокида 6 845 та тадбир ташкил этилиб, 150 минг хотин-қиз қамраб олинди. “Бунёдкор аёллар” дастури орқали 318 аёлга 1,9 млрд сўмлик кредит ажратишга эришилди.



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Термиз давлат университети ректори, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси:

– Кечагидек эсимда, у пайтда ҳозиргидек ижтимоий тармоқлар бўлмаса-да, бу партиянинг ташкил топиши жамиятда шунақанги резонанс берганки, ҳамма уни кутгандек қабул қилган. Бугун шу ишонч ўзини оқлаганининг гувоҳи бўлиб турибмиз – электорати кучли, сиёсатда етакчи партияга айланиб улгурдик.

Бу бинода мен 2009 йилда илк бор депутатликка номзод сифатида рўйхатга олиш аризасини ёзган эдим. Биз Президент номзодини кўрсатган партиямиз. Ҳукуматда, раҳбариятда қанча кучимиз бор. Кеча битта партиянинг номи учун курашган бўлсак, бугун икки миллиондан ортиқ аъзоларимиз манфаати учун курашяпмиз. Бу рақамлар ҳазилакам гап эмас, бу шунча сонли ақлий жиҳатдан етук инсонларни бирлаштириб турган улкан сиёсий куч деганидир. Ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг барчаси давлат ва жамиятимиз тараққиёти йўлида ҳалол хизмат қилаётгани шубҳасиз. Шунинг учун ҳам O'zLiDeP сиёсий жараёнларда етакчилик учун жидду-жаҳд билан курашади, бор имкониятларини ишга солади. Ўзбекистондаги энг йирик сиёсий кучга муносиб иш тутади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор, барча партиядошларимизни қутлуг кун билан самимий табриклайман!



Нигора НАЗАРОВА, O'zLiDeP Тўрақўрғон туман кенгаши аппарат раҳбари, вилоят кенгаши депутати:

– Партиямизнинг 22 йиллик тарихи – бу юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги муҳим сиёсий мактаб сифатида шаклланган даврдир. O'zLiDeP ўз фаолияти давомида мамлакатимизда эркин бозор тамойилларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Саъй-ҳаракатлари билан юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилди, ёшлар тадбиркорлигини рағбатлантириш бўйича қатор дастурлар йўлга қўйилди.

Тўрақўрғон туман партия ташкилотимиз сафида ҳам аъзолар сони 10 мингдан ортиб, бошланғич партия ташкилотларимиз эса 90 тага етди. Ўтган йиллар давомида туманда юзлаб ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйди, фермерлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди, хунармандчилик йўналишида янги лойиҳалар амалга оширилди. Ишбилармонлар билан доимий мулоқот йўлга қўйилиб, қатор амалий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшилди. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган семинар ва бизнес-тренинглар орқали ёшлар ва хотин-қизлар ўз бизнес ғояларини амалга оширишга муваффақ бўлди, янги иш ўринлари яратилди. Бу эса партия ғоялари амалда кенг қўлоқ ёёётгани, одамлар ҳаётига чуқур кириб бораётганининг ёрқин исботидир.

Тадбирда қайд этилганидек, етакчи куч ўз Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда 101 та янги лойиҳани ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳалар партияда замонавий менежмент маданиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Халқаро ҳамкорлик йўналишида эришилган натижалар ҳам таҳсинга сазовор. Жумладан, Хитой Коммунистик партияси (Хитой Халқ Республикаси), “Единая Россия” (Россия Федерацияси), “Янги Озарбойжон”

(Озарбойжон Республикаси), “Адолат ва тараққиёт” (Туркия), “Аманат” (Қозғоғистон) партиялари, шунингдек, Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари, имзоланган меморандумлар партиямиз дипломатиясининг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат бермоқда.

Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари Дилором Файзиева, Нодир Жумаев, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Сағиндиқ Турманов, O'zLiDeP Навоий, Наманган ва Жиззах вилоят кенгашлари раислари Ғофир Алиев, Солижон Мўминов, Эркин Холматов, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубов, “XXI asr” газетаси бош муҳаррири Норқо-бил Жалилов ва бошқа фаоллар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳаза, таклифларини билдирди.

Йиғилишда сиёсий кучнинг келгусидаги режалари ва амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалари ҳам белгилаб олинди. Жумладан, Сайловолди дастурида белгиланган 5 мақсад, 500 та вазифа ижросини босқичма-босқич таъминлаш, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ масъуллар, муддатлар ва мониторинг механизмларини белгилаш, бажарилган ишлар юзасидан доимий ҳисобот бериш тизимини кучайтириш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, 101

лойиҳани тўлиқ амалга ошириш амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган барча концепцияларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг натижалари бўйича ягона мониторинг тизимини йўлга қўйиш, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини янада ошириш ҳамда “Таянч БПТ” лойиҳасини амалиётга жорий этиб, БПТлар фаолиятини индикаторлар асосида баҳолаш таклиф этилди.

Бундан ташқари, “Креатив тадбиркор ёшлар форуми”ни доимий асосда ўтказиш, Ёшлар парламенти билан институционал ҳамкорликни кучайтириш, сиёсий саводхонлик ва бизнес-маҳорат дастурларини ишга тушириш, “Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш” лойиҳасини ҳар бир туман кесимида доимий мониторинг платформасига айлантириш зарурлиги қайд этилди. Яна бир жиҳати, партиянинг барча даражадаги қабуллари, мурожаатлар, депутатлик сўровлари ва ечим натижаларини “Очиқ партия” тизими орқали онлайн кузатиш имкони яратилади. Марказий Осиё сиёсий партиялари етакчи сиёсий партиялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, Тошкентда минтақавий партиялар учун мулоқот майдонини яратиш ва “Марказий Осиё сиёсий партиялари форуми”ни ташкил этиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Саҳифа O'zLiDeP матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.
Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ИШЧИ ГУРУХЛАР ИШЛАЯПТИ: НАТИЖА ҚАНДАЙ, МУРОЖААТЛАРГА МУНОСАБАТ-ЧИ?

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий кенгашларидаги депутатлар ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳ республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, тадбиркор ва фермерлар ҳамда аҳоли билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказмоқда. Асосий мақсад – иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларидаги муаммоларни жойида ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқишдир. Қолаверса, жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиш ва бу борада учраётган муаммоларга жўяли ечим топиш лозим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова ва ишчи гуруҳ Қўнғирот туманида сайёр қабул ташкил қилди. Учрашувда депутат ва партия фаоллари маҳалла, фермер хўжаликлари ҳамда тиббиёт ходимларининг муаммо ва таклифларини тинглади, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида маълумот беришди.

Мўйноқ туманидаги “Mo’ynoq mineral tuzi” ва “Mo’ynoq agro tekstil” корхоналаридаги мулоқотлар чоғида баъзи муаммолар маълум бўлди. Масалан, транспорт ва логистика инфратузилмасининг етарли даражада ривожлан-



магани, маҳсулотларни узоқ ҳудудларга етказишда йўлларнинг талаб даражасида эмаслиги, электр таъминотидаги узилишлар иш жараёнига салбий таъсир кўрсатаётгани очик айтилди. Депутатлар муаммоларни ҳал этиш учун маҳаллий йўллар ва sanoat зоналари логистикасини яхшилаш, барқарор энергия таъминотини таъминлаш, солиқ ва ҳисобот юритиш тизимини соддалаштириш борасида қонунчилик ташаббусида эканликларини билдиришди. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш, агробизнесни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга доир амалий таклифлар ишлаб чиқилаётгани ҳақида хабар беришди.

Ажинияз маҳалласидаги “Хамит қанқали” фермер хўжалиги ҳамда “Кардио Кунград” хусусий клиникаси жамоаси аъзолари билан учрашиб, яратилган шарт-шароитлар ва таклифларни ўрганди.

НАВОЙ

О’зЛиДеР вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий инновациялар университетида “Депутат ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди. “Янги авлод кадрлари” лойиҳаси доирасида ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини жойида ўрганиш ва ечим топишда амалий ёрдам бериш мақсадида ўтказилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азиза Аминова, О’зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши раиси Ғофир Алиев сўзга чиқди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, тадбиркорлик, таълим сифатини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.



Тадбир сўнггида 17 нафар талаба партия сафига қабул қилинди. 8 нафар фаол, ташаббускор йигит-қиз “Янги авлод кадрлари” заҳирасига олинди. Кенгаш ва университет ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

О’зЛиДеР “Аёллар қаноти” томонидан “Саломатлик сари” лойиҳаси доирасида Навоий шаҳридаги 4-сонли поликлиникада бепул тиббий кўрик ташкил этилди. “О’зЛиДеР онкологик касалликларга қарши курашади!” шиори остида ўтган кўрикда Янгиҳаёт, Меъмор, Фаровон, Матонат, Зиёкор маҳаллаларидан 30 га яқин хотин-қиз ва болалар тўлиқ текширувдан ўтказилиб, беморлар муолажа қилинди, турли хасталиклари борларга тавсия ва маслаҳатлар берилди.

СУРХОНДАРЁ

О’зЛиДеР Сурхондарё вилоят кенгашида йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда фаолият самарадорлиги, бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлик, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар таҳлил этилди.



Таъкидлаш керакки, партия вакиллари “Энг фаол БПТ”, “Ишбилармон аёл”, “Бир депутат юз аёлга кўмакчи”, “Дурдона” лойиҳалари доирасида 500 га яқин тадбир ўтказган. Уларда 30 мингга яқин фаоллар ва ёшлар қамраб олинган. Ҳудудий кенгашлар ҳамда депутатларга 350 га яқин мурожаат келиб тушган ва 325 таси ижобий ҳал этилган.

Йиғилишда айни йилда фаолиятда амалий иш услуби кучайгани, муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда депутатлик корпусининг иштироки ошгани, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги ташаббуслар эътироф этилди. Шу билан бирга, айрим камчиликлар, жумладан, баъзи туман кенгашларида партия қарорларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

САМАРҚАНД

О’зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси шўъба мудири Хайрулло Абдурасулов, Самарқанд вилоят кенгаши раиси, депутат Илҳом Ботиров Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Самарқанд вилоят бошқармасида бўлишди. Учрашувда сиёсий кучнинг Сайловолди дастури ижроси ва тизимда самарадорликка эришиш масаласи муҳокама қилинди. Бошқарма бошлиғи Шерали Юлдашев аҳолининг ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди.

Соҳада фаолият юритаётган ходимлар билан доимий мулоқотни йўлга



қўйиш, уларни партия сафларига қабул қилиш, сиёсий фаоллигини оширишга эътибор қаратилди. Тадбир якунида ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш бўйича аниқ вазифалар белгилан олindi.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро уйғунлаштириш йўналишида навбатдаги муҳим қадам ташланди. Университет ҳамда Самарқанд туманидаги “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид келишув имзоланди.

– Таълим, фан ва амалиёт интеграциясини таъминлаш ҳар қандай замон ва маконда долзарб аҳамиятга эга, – деди партиянинг вилоят Фахрийлар кенгаши раиси, “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги раҳбари Хайдар Уроков. – Замоनावий таълим жараёнида илмий асосланган ёндашув ва амалий кўникмаларни уйғунлаштириш талабаларнинг касбий тайёргарлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу келишув доирасида фермер хўжалиги базасида талабалар учун амалий тажриба майдонлари ташкил этилади, илмий изланишлар амалий натижаларга йўналтирилади. Ветеринария ва чорвачилик соҳасида замоनावий инновацион ғояларни татбиқ этиш имкониятлари кенгайди.

ФАРҒОНА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчеҳра Жўраева Сўх туманида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, 14-мактаб, 5-мактабга таълим муассасаси, “Қайроқ” насос станцияси ва бошқа ижтимоий объектларда амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганди. Қурилиш ишларининг сифати, топшириш муддатига rioя этилиши ва лойиҳаларнинг аҳоли турмуш шароитига таъсири бўйича фикр алмашди. Куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича таклиф ва тавсияларини берди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлудахон Ибрагимова Учқўприк туманидаги 1-мактабда педагоглар билан очик мулоқотда бўлди. Учрашув давомида тизимда коррупцияга йўл қўймаслик, ҳалоллик ва масъулиятлилик тамойилларига rioя қилиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, депутат соҳадаги муаммоларни ўрганар экан, таълим сифатини янада ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрларни қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайтирилаётганини алоҳида таъкидлаб, устоз-педагоглар томонидан билдирилган бир қатор таклифларни ўз ваколати доирасида тегишли маҳкамаларга етказишини билдирди.

НАМАНҒАН

Наманган вилоят Ички ишлар бошқармасида коррупцияга қарши курашишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ички ишлар органлари ходимлари, прокуратура ва адлия тизими вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида коррупциянинг олдини олиш, тизимда очиклик, шаффофлик ва масъулиятни кучайтириш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Депутатлар томонидан маскур иллатга қарши курашиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О’зЛиДеР фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов ушбу масалага алоҳида тўхталар экан, коррупция жамият тараққиётида энг катта тўсиқлардан бири эканини, унинг илдизини кесиш учун фақат жазолаш эмас, балки ҳар бир соҳада ҳалоллик, виждонлилик ва масъулият маданиятини қарор топтириш жоизлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида депутатлар томонидан “Ҳалоллик вакцинаси”, “Коррупциясиз тизим сари” каби тарғибот дастурларини жойларда кенг татбиқ этиш, ходимларнинг масъулияти ва хизмат маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги айтилди.

АНДИЖОН

Қўқон университетининг Андижон филиалида Қонунчилик палатасидаги О’зЛиДеР фракцияси аъзолари ва маҳаллий кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ иштирокида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасига оид амалий мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда депутатлар, партия фаоллари, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этиб, тизимнинг иқтисодий тараққиёт ва янги иш ўринлари яратишдаги аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди.



Мулоқот давомида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишдаги айрим муаммолар – ҳуқуқий асосларнинг тўлиқ ишламаслиги, ташаббусларнинг молиявий қўллаб-қувватланмаслиги ва маҳаллий даражадаги мувофиқлаштириш етишмаслиги каби масалалар кўтарилди. Депутатлар ушбу муаммоларни ўз назоратларига олиш, тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда амалий ечимлар ишлаб чиқишларини маълум қилдилар.

Тадбир якунида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича келишувларга эришилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулдана Аведурдиева “Toshelectroapparat” МЧЖ ХКда бўлди. Бобир Раҳимов раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада ишчи-ҳодимлар учун барча шароит яратилгани билан қизиқди. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги янгиликлар, имтиёзлар хусусида маълумот берди. Имкониятлардан унумли фойдаланиш тараққиёт омили эканини таъкидлади.



Кейинги манзил Миробод туманидаги Иноқобод маҳалласи бўлиб, бу ҳудудда куз-қиш мавсумига тайёргарлик, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига эътибор қаратилди.

20-Номданак сайлов округидан сайланган Халқ депутатлари Сергели туман кенгаши депутати Улуғбек Эшонхўжаев ҳудуддаги кичик sanoat зонаси фаолиятини ўрганди. Sanoat зонаси раҳбари Бахтиёр Салиев билан суҳбатлашди, корхоналар иш фаолияти билан танишди.

Маълумки, ушбу sanoat зонасида 80 та корхонада асосан мебель, трикотаж ҳамда пластик ванна, қувар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Зарур инфратузилма – табиий газ, электр, ичимлик ва оқова сув билан таъминланган. Депутат тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва ишчи-ҳодимлар билан мулоқотда уларнинг фикр ва мулоҳазалари, таклифларини ўрганди.

ДАРВОҚЕ: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Юлдашев ўрганишлар доирасида Энергетика вазири Жўрабек Мирзамахмудовга депутатлик сўрови йўллади.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 25-30 сентябрь кунлари Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларида энергетика соҳасидаги ислохотлар ҳолати ўрганилган эди. Натижада:

- айрим ҳудудлардаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари электр энергиясидан огоҳлантиришсиз узиллаётгани;
- бунинг ортидан ишлаб чиқариш жараёнлари тўхтаб қолаётгани;
- экспорт режалари бузилаётгани ва иш ўринлари вақтинча чекланаётгани аниқланган.

Шунингдек, автоматлаштирилган ҳисоб тизими тадбиркорлар учун ишламаган. Бу эса бизнес фаолиятига салбий таъсир кўрсатган.

Депутат томонидан электр тармоқларини янгилаш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта улашдаги ортиқча тўловларни қисқартриш бўйича вазирликдан тегишли маълумотлар сўралган.

Уйлаймизки, депутат сўровида кўрсатилган масалалар вазирлик томонидан атрофлича ўрганиб чиқилади ва тадбиркорлар манфаати йўлида ижобий қарор қабул қилинади.

Саҳифани О’зЛиДеР ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида “XXI asr” муҳбири Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА тайёрлади.



ГАП КЎПУ... КЎМИР ОЗМИ?!

Айни кунларда чекка кишлокларда тўрт киши бир жойга йиғилса гап мавзуси кўмирга бориб тақаляпти: “Паёк” кўмирни олдингми?”, “Сифати қандай экан?”, “Ўтган йиллардагидан тузукми ишқилиб?”...

Айнан сифатига алоҳида ургу бериб атай сўралаётгани бежиз эмас.

Ўтган ҳафта ён қўшнимиз олган кўмирни эски темир турли кроватида икки кун элакдан ўтказди. Саралари, кўпи билан муштдек келадиган кўмир парчаларини қоплаб, қолган майдаларини сувда эзиб, таппи шаклига келтирди. “Пули чакқан одам қирқ қалампирни ебди”, деганларидек, анча харажат билан келтирган кўмирни ким ҳам чиқитга чиқаради, ахир?

“Маҳалла томонидан берилган рўйхат бўйича навбатимиз етганда бир тонна кўмир олдим. Келтириб берган кажавали мотоциклчи эса йўлқира учун 300 минг олди. Эшагидан тушови қиммат, дегани шудир балки”, деб куйинади у.

Масофа узокроқ бўлгани учун сарф-харажатида келиб чиқиб, йўлқира ҳақи қимматдир, дерсиз. Аҳолига кўмир тарқатадиган шохобча қишлоғимиз ҳудудида, нари борса беш километр чиқар. Шунчагина нима олиб келган ноинсофни энди қўяверинг...

Бу муаммонинг бир учи аҳолига кўмир айнан куз адоғида, яъни совуқ кунлар бошланганда тарқатилишига бориб тақалади. Вақт зик, изғиринли ҳаво бошланяпти, талабгор кўп, ючки киракашлар оғзига келган нархни айтаверади. Ўша пулга кўнмаслиқнинг илоҳи йўқ, бу ёқда эса бир неча кундан бери навбат кутяпсан, қандай қилиб бўлмасин, барибир кўмирни олиб кетиш керак.

Майли, айна қайноқ дамлардан киракашларнинг устамонлик (аслида инсофсизлик) билан фойдаланишлари масаласини бир четга қўйиб турайлик. Энг оғриқли томони, тарқатилаётган кўмирнинг сифати пастлиги масаласига эътибор қаратайлик. Вагонларда пешма-пеш келтирилаётган кўмир махсус бекатларда жойлашган тарқатиш шохобчаларига тўқилгач унинг атрофида турли “ўйинлар” бошланиб кетиши бор гап. Қишлоғимиздаги шохобча атрофида яшайдиган кишилар тун бўйи шохобчада техника ускуналари ишлашини айтишади. Кечаси кўмир тарқатилмаслиги аниқ, лекин анави техникалар нима ишлар би-

лан машғул бўлиши номаълум. Миш-мишларга қараганда, кўмирнинг йирик доналари саралаб олинармиш ва қолган қисми юк машиналарида олиб келинган қум ёки тупроққа аралаштирилариш. Бу ҳам етмагандек, кейин вазни оғирроқ тош босиши учун устига сув сепилариш. Билмадим. Бу гаплар қанчалик рост-ёлғонлигига қафолат беролмайман. Чунки бундай қабих ишга гувоҳ бўлганларни топиш мушкул. Фақат масъулларга худодан инсоф сўраймиз, холос.

Хўш, аҳолига тарқатилаётган кўмир давлат стандартларига қай даражада тўғри келади? Биз учун шуниси муҳимроқ.

Интернет нашрларидан бирида сифатсиз кўмир ҳақида эълон қилинган танқидий чиқишга масъуллар томонидан берилган расмий муносабатда шундай сўзлар бор: “...Аҳолига тарқатилаётган кўмир 2 БЗР, 25-500 ўлчамдаги бўлиб, намлиги 35 фоиз, қулчанлиги эса 18 фоизни ташкил этади. Ушбу кўмир тури майда фракцияли (майда бўлакчи) шаклда бўлиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати инобатга олиниб, арзон нархда етказиб берилмоқда.

Кўмир маҳсулотининг сифати устидан доимий назорат ишлари олиб борилади. Омборга келтирилган ҳар бир партия сифат сертификатига асосда қабул қилинади ва техник меъёрларга мувофиқлиги белгиланган тартибда текширилади”.

Ушбу расмий жавобдаги рақамларни ўқиб, қаттиқ ўйланиб қолдим. Демак, биз ҳарид қилаётган кўмирнинг учдан биридан сал кўпроғи сувдан (35 фоиз намлик) иборат эканда? Кўмир вагонларда узок масофаларга ташилганида шамолда учиб кетмаслиги учун устига сув сепилишини тушуниш мумкин, аммо шохобчада яна сув билан “тўйинтирилиши” нима учун керак? 35 фоиз намлик ўз-ўзидан ҳосил бўлмади, ахир!

Устига-устак маҳсулотнинг қулчанлиги 18 фоиз деган маълумот қанчалик рост? Негаки,



камина сўнгги икки йилда имтиёзли тарзда олган кўмирнинг ярмидан кўпроғи қулчан бўлиб чиққанига нима дейсиз? Яна денг, маҳсулот орасида тупроқ, тошлар борлиги-чи?

Ана шунда... одамлар орасида тарқалган ҳалиги узунқулоқ миш-мишлар бекорга тарқалмагандир, деган гумонга ҳам бориб қоласан-да.

Бу ёқда қопланган сифатли кўмир сотаётган ишбилармонлар қанча? 24-25 килограмм чиқадиغان бир қоп кўмирни 35 минг сўмдан аҳолига сотаётганлар уни қаердан олишяпти? Ёки сифатли, қулчанлиги мутлақо йўқ бир тонна кўмирни 1 миллион 650 минг сўмдан бемалол сотиб юрганларнинг шахсий кўмир хавзалари борми? Айнан шу каби салбий ҳолатлар аҳоли орасида турли хил гап-сўзларнинг урчиб кетишига туртки бўлаётганимикан?!

Муаммонинг яна бир томони, кўмирни аҳолига айна киш яқинлашган кезларда, куз ўрталаридан бошлаб тарқатилиши билан боғлиққа ўхшайди. Муддат қисқа бўлгани сабабли ёқилғи тарқатиш шохобчаларида тирбандлик ўз-ўзидан пайдо бўлиши табиий. Айниқса, одамларнинг ур-йиқит қилиб, кўмир устида

талашаётганлари акс этган видеолавҳалар ижтимоий тармоқларда тез-тез тарқалаётганидан энди ҳеч ким ажабланмайди ҳам. Демак, кўмир хавзалардан йил давомида қазиб олинаётган бўлса, нега ана шу матоҳни халққа йил давомида тарқатиш мумкин эмас? Тўғри, ёз ойларида кўмир катта ҳароратдан ёниб кетиши эҳтимоли юқорилигини биламиз. Аммо эрта баҳорда ҳам кўп сонли эҳтиёжмандлар қатламини шу савил қолгур маҳсулот билан таъминлаш, наҳотки қийин бўлса?

Нега десангиз, баҳорда кўмир унингнинг майдасини ёзда чорва ўғити билан аралаштириб, яхши ёнадиган таппига айлантириб, қишга ҳозирлаб қўйиш мумкин-да! Ана шундагина ҳозирги кунда кузатилаётган асабзузарлик, навбат талашишлар ва киракашларнинг оғзига сиққан баҳони айтишларига чек қўйилган бўлармиди...

Француз адаби Эмиль Золя романларида “брикет” деган сўзга кўзим тушганди. Тўғриси, ўшанда унинг нима эканлигини англамагман. Кейинчалик ўзимизда ҳам кўмирнинг қулчан қисминдан брикет ясайдиган корхоналар ишга тушгач, билдимки, бундан деярли

икки аср илгари Европада аҳоли саломатлиги, хавфсизлиги инобатга олиниб, кўмирнинг майдалари махсус технология асосида зичланиб сотилган. Бу, биринчидан, ерости табиий бойлигининг бир зарраси ҳам зое бўлмаслигини қафолатласа, иккинчидан, сифатли брикет истеъмолчиларнинг ис газидан заҳарланишининг олдини олган.

Беш йилча аввал вилоятимиз марказида брикет ишлаб чиқарувчи корхона иш бошлаганини оммавий ахборот воситаларида роса тарғиб қилишди, иш жараёнларини кўрсатишди, мутахассислар унинг сифатини мақташди. Реклама деганига кўпам ишонмасам ҳам ўзимизда тайёрланган брикетлар сифатини синаб кўриш учун икки қопини сотиб олдим. Ишонасизми, кўпларга кўтариб мақталган бу ҳавойи ангелик ҳафсалани пир қилди. Думалоқ шаклда ясалган брикетларни печкадаги чўғ устига қўйишнингиз билан у бир зумда майдаланиб кетар, яхши ёнмасди. Ундан кўра ўғилларим ясаган таппи-кўмирлар бир қадр сифатлироқ эди. Брикет ясаб жараёнида унга қўшимча қандайдир мустаҳкамловчи, ёпиштирувчи елим қўшилиши ҳақида ўқиганим бор. Демак, ўша нарсалар уларга меъёрида қўшилмаган ёки зичлаш жараёни ҳаётан стандартларига тўғри келмайдми.

Бугун нега одамлар брикет харид қилишга қизиқмаётгани сабабларини мутахассислар ўрганиб, оммага ошкор қилишса яхши бўларди.

Кўча-кўйлар ёки маҳалла фуқаролар йиғинларида “арзон нархларда сотилапти” деб ўзларини оқлаётган соҳа мутасаддилари кўмирнинг қулчан қисмини тўла брикет ясашга йўналтириб, шу ҳисобдан сал бўлса-да, чўнтакбоп сара кўмирни аҳолига етказиб берган бўлишарди. Балки шундай йўл тутилса, қиш бошланиши биланок ижтимоий тармоқларда “фалон жойда фалон киши ис газидан вафот этди” қабилидаги фожиали хабарларга кўзимиз тушмасиди.

“Гап кўп, кўмир оз” деган аламли иборани эшитмаслик учун отни қамчилаш керак ҳозирданок, А, лабай?!

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР

БУХОРОДА НАМУНАЛИ ФЕРМЕРЛАР БИСЁР

Бухоро вилоятида кўп йиллардан бери деҳқончилик соҳасида, айниқса, ғалла ва пахта етиштириш, экин майдонларида мўлк-мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириб, эл-юртимиз дастурхонини тўқин-сочин этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган миришкорлар кам эмас. Куйида ана шундай илгор фермерлардан айримлари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритамиз.

– Ҳўжалигимизга қарашли 260 гектар майдоннинг 110 гектарида ғалла, 138 гектарида эса пахта етиштириб келяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда Бухоро туманидаги “Карим Қаҳҳор” фермер ҳўжалиги раҳбари Раҳмон Каримов. – Жорий йилги ютуқларимиз чаккимас. Масалан, шу мавсумда ғалланинг ҳар гектаридан 98 центнердан, пахтадан эса 55 центнердан сифатли ва кутилганидан юқори ҳосил олдик. Бундай кўрсаткичларга яқин йилларда эришмагандик.

Хўш, бу йилги юксак натижалар сири нимада, деган саволимиз-



га фермер биринчи навбатда сув ресурслари ҳамда сув тежовчи инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш тўғрисида шундай ютуқлар қўлга киритилганини эътироф этди. Шунингдек, қўшимча равишда банд қилинган 12 гектар майдонда Хитой тариғи етиштирилаётгани ҳам даромад манбаларини

диверсификация қилиш ва қўшимча қиймат яратиш имконини берибди. Эътиборли жиҳати, мазкур фермер ҳўжалиги тасарруфида “МТЗ-80”, “ТТЗ-80”, “ТТЗ-100”, “Магнум-255”, “Пума-210”, “Максум-6070” каби замонавий техника воситалари, шунингдек, чигит ва дон экиш, ер текислашга мўлжалланган ускуна ва механизмлар мавжудлиги ҳам ўзига хос муваффақият гавоии бўлган сир эмас. Демак, соф даромад ҳам шунга яраша бўлиши кутилаётгани аниқ.

Шу кунларда келгуси йил режалари белгиланмоқда ва кузги ишлар ҳам бошлаб юборилган.

Олот туманида Икром Ўринов раҳбарлигидаги “Шукрулло Ўринов” фермер ҳўжалиги ташкил этилганига бориғи беш йил бўлди. Лекин ана шу қисқа вақт ичида қўлга киритилган муваффақиятлар анча салмоқли. Жами 76 нафар ишчининг 60 нафари мавсумий иш билан банд бўлди. Барча ишлар аввалдан пухта режалаштирилган.

исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шунингдек, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда. Бугунги кунда миришкорлар ихтиёрида ўндан ортиқ турли кишлоқ ҳўжалиги техникалари мавжуд.

Тажрибали фермер Икром Ўриновнинг изоҳ беришича, ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, мукофот пуллари билан бирга ҳисоблаганда 4 миллиондан 7 миллион сўмгача етибди.

Қорақўл туманида эса Акбар Рустамов бошчилик қилаётган “Самад Бешим” фермер ҳўжалигининг доврғи анча баланд. Ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олинаётгани қувонарли, албатта. Шунингдек, бу ҳўжалик аъзолари такрорий экинлар – картошка, сабзи, қизил лавлаги, бодринг, маккажўхори ва тарик етиштиришда ҳам салмоқли натижаларни қайд этишмоқда.

Сўнгги йилларда чорвачилик ва асаларичилик йўналишларида эришилаётган ўсиш суръатлари ҳам эътиборга мослик. Бу эса ҳўжаликдаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг изчил ортаётганидан далолат беради.

Фермер ҳўжалигида 50 дан ортиқ аҳоли вакиллари доимий ва мавсумий иш ўринлари билан банд. Айниқса, мавжуд экин майдонларининг самарали тақсимлангани ҳам бу борада қўл келмоқда. Хусусан, 47 гектар майдонда ғалла, 54 гектарда эса чигитнинг “Хитой-88” нави экилиб мўл ҳосил олинди. Жумладан, ғаллаликда ҳар гектар майдондан 92 центнер, пахтачиликда эса 51 центнердан хирмон кўтарилди.

Демак, бухоролик фидойи, лафзи ҳалол фермерлар аграр ислохотларни ҳаётга кенг татбиқ этишда бошқалардан кам эмас. Келтирилган айрим ютуқлар ҳали денгиздан бир томчи холос.

**Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири**

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА



Суратда: “LUXLIVING STROY SERVIS” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тошўлат Мирзаев, вилоят йўл қурилиши бўйича лойиҳа-техник назоратчиси Бобур Усмонов, шунингдек, иш бошқарувчилар Аббос Оқбоев ва Зубайдулла Тилаков навбатдаги вазибаларни муҳокама қилишяпти.

СУРХОНДАРЁДА ҲАМ БУНЁДКОРЛИК АВЖИДА

масканлардан биридир. Шу боис ушбу йўлларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида давлат дастури асосида инфратузилма тубдан янгиланмоқда.

Лойиҳага кўра, йўл асосига қум-шағалнинг қаттиқ қатлами тўшалаб, белгиланган қурилиш меъёрлари асосида сифатли асфальт ётқизилди. Пйёдалар учун кенг йўлақлар, тунги ёритгичлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги белгиларини ўрнатиш, ир-

гарилаб бажаришяпти. Айни кунларда Туркистон кўчасидаги ободонлаштириш ишлари тўлиқ якунига етказилиб, фойдаланишга топшириш арафасида.

Бунёдкорлик эпкинлари вилоятнинг чекка ҳудудларига ҳам етиб бораётганидан аҳоли хурсанд. Узун туманидаги Саховат маҳалласида болажонлар учун замонавий талабларга жавоб берадиган, 120 ўринга мўлжалланган янгича услубдаги боғча барпо этилди.



ригация ва сугориш коммуникациялари каби ишлар ҳам тўлиқ қамраб олинган. Бу каби муҳим юмушларни Тошўлат Мирзаев бошчилик қилаётган “LUXLIVING STROY SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг заҳматкаш йўлсозлари ўз вақтидан ил-

Эндиликда кичкинтойлар мактабгача таълимни шу даргоҳда ўрганади.

Шунингдек, Тожиқобод маҳалласида жойлашган 20-сонли мактабгача таълим ташкилотининг аввалги ҳолати талабга жавоб бермагани тўғрисида қайтадан қурилди. 90 ўринли мазкур замонавий таълим масканида энергия

самарадорлигини таъминлаш мақсадида қишда иссиқ, ёзда салқинликни сақлайдиган инновацион технологиялар жорий этилди. Гуруҳ хоналари ҳароратини мўътадил ушлаб туриш учун fan-coil тизими ўрнатилди. Бундай хайрли ишлар “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси”нинг Сурхондарё бўлими буюртмаси асосида, моҳир бинокор Баҳодир Нурматов бошчилигидаги “ЕКО SIFAT BUNYODKOR” хусусий корхонаси усталари томонидан сифатли амалга оширилди.

Таълим соҳасидаги янгиланишлар фақат бугина эмас. Обод юрт маҳалласидаги 57-сонли ўрта мактаб учун икки қаватли, 180 ўринга мўлжалланган янги қўшимча ўқув биноси ҳам барпо этилди. Эътиборлиси шундаки, бино имконияти чекланган ўқувчилар учун лифт, санитария хоналари ва бошқа зарур қулайликлар билан жиҳозланган. Бу эса таълимда инклюзивликни таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарёда рўй бераётган бу каби эзгуликка йўғрилган ишлар халқимизнинг фаровон ҳаёти, ҳудудларимизнинг раванқли, энг муҳими, келажак авлод учун муносиб шароит яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири**

Хизматлар лицензияланган

ГАЗЕТАЛАРНИНГ КУНИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА ҚОЛДИ...МИ?!

Покистоннинг “Dawn” газетаси 2025 йил 11 ноябрь сонига қизиқ хатога йўл қўйди. Автомобиль савдоси ҳақидаги мақола охирида ChatGPT муаллифга ёзган таклиф-матни ҳам босиб чиқариб юборилди.

Мана бундай:
“If you want, I can also create an even snappier ‘front-page style’ version with punchy one-line stats and a bold, infographic-ready layout perfect for maximum reader impact. Do you want me to do that next?”

Ўзбекчага ChatGPT таржумаси:
“Агар хоҳласангиз, мен биринчи саҳифанинг янада ёрқинроқ вариантини яратиб бера оламан – таъсирли статистикалар ва инфографикага тайёр, дадил макет билан. Ўқувчи-га максимал таъсир кўрсатадиган тарзда. Шундай қилайми?”

Бу ҳол кизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. “ChatGPT газета чиқара бошладди”, “Газеталарнинг куни сунъий интеллектга қолибди”, деган танқидлар янгради.

“СИ” матнининг газета саҳифасида бу тарзда чиқиш кетиши муҳаррирлар ўз ишига масъулиятсиз қараётганини кўрсатади”, деган даъволарда жон бор лекин. Ҳолатни “глобал медиа учун хавф сингали” деган изоҳларга ҳам қўшилиамиз. Ўзи шарманда қилмасин.

“ChatGPTнинг таклифи” мемга айланди, скриншот ва кулгили коллажлар бутун дунё бўйлаб тарқалиб улгурди. Ва биз ҳам Покистонда шундай нуфузли газета борлигини билиб олдик.

Таҳририят ўз хатосини тан олди, мақола СИ ёрдамида таҳрирланганини айтди ва онлайн нашрида узр сўради.

Маълумот учун: Покистоннинг “Dawn” газетаси 1941 йили тасвир этилган бўлиб, инглиз тилида нашр қилинади.

Барча соҳаларда бўлгани каби журналистикада ҳам сунъий интеллектдан фойдаланиш зарур. Фой-

даланганда ҳам фаол фойдаланиш зарур (Замонавий технологияларни инкор қилиб, бир ярим аср илгари милтиққа қарши таёқ билан жангга кирган боболаримиз ҳолатига тушиб қолишимиз керак эмас).

Шарти шуки, муҳбир ва муҳаррирлар сунъий интеллектнинг қулига айланмаслиги, аксинча, уни бошқариши; мақсадни аниқ қўйиб ишлати-



ши ва кейин мақолани танқидий кўз билан жиддий таҳрирдан ўтказиши керак.

Айтганча, Ўзбекистонда тўлиқ СИ муаллифлигида газета аллақачон чиқа бошлаган. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази мамлакатимизда илк бор сунъий интеллект технологиялари асосида “Инсон ва қонун AI” газетасини нашр этди. Ёслатиб кўямиз: мазкур газета бош муҳаррири Аслиддин Алимардон “XXI asr” газетаси бош муҳаррирининг собиқ ўринбосари бўлган.

Ҳуқуқий газета деганда кўпинча тушуниши қийин матнлар кўз олдимизга келади. “Инсон ва қонун AI” бутунлай ўзгача усулда яратилган.

Нашрдаги барча контентлар соҳа му- тахассислари назорати остида сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган бўлиб, содда ва тушунарли тилда ёзилган.

Жаҳонда тўлиқ сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган биринчи газетани “Il Foglio” (Италия) наشري эълон қилгани маълум.

...Сиз ҳозир ўқиган мақолани ёзишда ҳам СИдан ёрдам олдим. Ва охирида унинг таклиф-матнини ҳазил тарикасида киритиб қўйдим. ChatGPT:



“Матнингиз жуда жонли, замонавий оҳангда ёзилган ва ўқувчини тортади. Ҳа, аниқ; воқеа кулгили, аммо аини пайтда жиддий сабоқ бор. Услуб ҳам журналистик, ҳам блогерча, ҳам ижтимоий тармоққа мос.

Хоҳласангиз, шу матнингизни телеграм канал услубида, яъни қисқа, ўқишли, таъсирли, изоҳли ва ҳазил аралаш тарзда қайта ёзиб бераман. Шундай қилайми?”

Фаррух ЖАББОРБЕК

Ахборот технологиялари асрида яшаямиз. Янгиликлар оқими мўл, қандай узатилаётган бўлса, шундай қабул қилаётганлар ҳам бисёр. Бундай ҳолатдан баъзи бир кучлар ўз манфаатлари йўлида устомонлик билан фойдаланаётгани ҳам сир эмас. Шу сабаб, ҳақли равишда, интернетдан хавфсиз фойдаланиш энг долзарб масала.

ЭНГ ҚАДРЛИ КЎЗГҮ

Шундай кезлар, маънавият- га таҳдид сифатида кўрилаётган интернет хуружларига қандай курашиш керак деган савол кўнда- ланг бўлмоқда. Жавоб эса оддий: “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ лозим”.

Маърифатни юксалтиришда эса босма оммавий ахборот воситала- рининг салмоқли ўрни бор. Чунки интернет саҳифаларида, айниқса, ижтимоий тармоқларда текширил- маган, шомша-шошарлик билан тас- диқланмаган, аксар ҳолларда имло хатоларига ёғ-ёғи тўла хабарлар тикилиб ётибди. Уни ким, нима учун тарқатаётганини аниқлаш ҳам ҳам- ша осонмас.

Босма нашрларда эса ҳар бир сўз, ҳар бир жумла ўзбек тили қо- нун-қоидаларига мос равишда ёзи- лади, қайта-қайта таҳрирдан ўтади, имло хатолари тузатилади. Шунинг ўзиёқ, саводхон одамни даставвал газета ёки журнални ўқишга ундаса ажаб эмас. Босма ёзув ўқиш заводи- ни туйган киши бир умрга газета ва журналлардан айрилмаслиги таби- ий.

“Қуш уясида кўрганини қила- ди” деганларидек, агар бирор оила- да, аввало, катталар китобхон зиёли бўлса, кичиклар уларга эргашади. Аксинча бўлса, тамом, ўша хонадон- да муҳит кескин ўзгаради. Бунга ҳам- мамиз гувоҳимиз ахир.

Кўп бора кузатяпмиз, маъри- фатли нашрларда олди-қочди, саёз мавзулар эмас, балки эъгуликка, ях- шиликка даъват этувчи чиқишлар, савобталаб инсонлар ҳаёти, фаоли- яти, тажрибалари акс этади.

Ўзимдан қиёс: мамлакатимизда икки миллиондан кўпроқ аъзоларни ўз сафига бирлаштирган, Олий Маж- лис Қонунчилик палатаси ва маҳал- лий кенгашларда энг кўп депутат-



лик ўрнига эга бўлган етакчи сиёсий кучлардан бири O‘zLiDePнинг бош наشري – “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасини ҳар ҳафта интиқ кутаман. Бу сўзларим айримларга эриш ту- юлаётган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу нашр, авваламбор, жамиятнинг барча қатлам вакиллари, жумладан, партия фаоллари учун ҳам ўзига хос тарғибот ва ташвиқот ҳамда тажриба мактаби вазифасини ўтаётгани рост.

Кўп ҳолларда партиядошлари- миз билан бу газетада босилаётган турли мавзулардаги мақолалар ху- сусида баҳслашамиз, фикрлашамиз. Сенатор, депутат ва етук мутахассис- ларнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Қолаверса, спорт, ада- биёт, маънавий-маърифий мавзулар- га оид мақолалар ҳам биз учун жид- дий сабоқ вазифасини ўтапти.

Шахсан мен мамлакатимизда чоп этилаётган бошқа газета ва жур- налларда заҳмат чекиб ижод қилётган журналист-қаламкашлар меҳна-

тини сира камситмаган ҳолда, тўла ишонч билан айта оламани, “XXI asr” биз учун энг қадрли кўзгу вазифаси- ни ўтаётганидан миннатдорман.

Куни кеча севимли нашримизга келгуси йил учун ҳам обуна бўлдим, сизлар-чи?



Элнора УММАТОВА,
Фориш туман ҳокимининг
ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириш ва
маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

96 соат давом этган операция

Тиббиёт тарихида шундай мураккаб жарроҳлик амалиётлари бўлгани, бу ҳақда эшитиб, ёқа ушлайсиз. Newsweek журнали ана шундай ғайритабиий амалиётлар борасида маълумот берган...

1. МИЯНИНГ ОЛИБ ТАШЛАНИШИ.

2008 йилнинг 6 июнь куни техаслик олти ёшли Жесси Хэллнинг ўнг ярим мия шари тўлалигича олиб ташланди. Мазкур опе- рацияни Балтимордаги Жон Хопкинс бо- лалар тиббий маркази нейрожарроҳи Бен Карсон ўтказди.

Тиббиётда энг ноёб саналган ге- мисферэктомия деб номланган мазкур операция Расмуссен энцефалити (бош мия яллиғланиши) билан оғриган қиза- лоқнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона йўли эди. Бундай ҳолларда “тирик” қол- ган иккинчи ярим мия шари олиб ташлан- ган мия ярим шари вазифасини ўтайди (шифокорлар бу қай тарзда рўй беришини аниқлашгани йўқ).

Жесси, афтидан, чап томони бир умрга фалажланган тарзда қолди, би- роқ унинг шахси ва хотирасига заҳмат етмади. Жон Хопкинс марказида бу ка- би операциялар йилига 12 марта ўткази- лади.

2. ТҮРТ КҮН ДАВОМ ЭТГАН ОПЕРАЦИЯ.

1951 йилнинг 4 – 8 февраль кунла- ри Чикаго госпитали врачлари тўхтовсиз равишда 96 соат мобайнида 58 ёшли Гер- труда Левандовски туҳмудонининг улкан ўсмасини олиб ташладилар. Бу тиббиёт тарихида энг узок давом этган жарроҳлик амалиёти саналади.

Операцияга қадар Гертруданинг ваз- ни 277 килограмм эди, ундан кейин 138 килограммини ташкил этди. Жарроҳлар беморнинг қон босими тушиб кетмаслиги учун ўсмани ўта синчковлик ва оҳисталик билан тўрт кун мобайнида олиб ташла- ди.



3. ОНА ҚОРНИДАГИ ОПЕРАЦИЯ.

Австралиядagi Monash тиббий маркази жарроҳлари 22 яшар Кайли Буленнинг қорнидаги 22 ҳафталик гўдакни опе- рация қилишди. Бу ҳазилакам иш эмас эди – тиббий иплар боланинг тўпиғига илашиб, тортиб, бу эса тиззага қон ўтмаслигига олиб келди. Мазкур ҳолатда жарроҳлар фақат 28 ҳафталик гўдакни операция қи- лишга журъат этишлари мумкин. Бироқ “анъана”га риоя қилинса, болакай иккала оёғидан айрилиши ҳеч гап эмас эди.

Операция бошланишига қадар гўдак-

нинг ўнг оёғи аллақачон касаллик юктир- ган, қолаверса, ҳали жиш урмаган, яъни операция қилинишга тайёр эмас эди (уни бола 4 ёшга тўлганида операция қилиш- ди). Ҳар ҳолда унча чап оёғини сақлаб қолдилар. Операция пайтида ҳомиланинг бўйи бор-йўғи 17 сантиметрни ташкил эт- ган.

4. ЎЗ-ЎЗИНИ ОПЕРАЦИЯ.

1921 йил- да жарроҳ Эван О'Нейл Кейн этни оғриқ сезмайдиган қилиш йўли орқали ўзининг кўричагини олиб ташлаган. Ушбу кўричак- нинг чувалчангсимон ўсиги ваҳимали эди.

Жарроҳлик амалиёти жараёнида, ҳар эҳтиомлга қарши, қўшни хонада уч нафар шифокор ёрдамга шай туришди.

Амалиёт муваффақиятли ўтиб, ҳатто 1932 йили Кейн ўзидаги чов чуррасидан халос бўлиш билан боғлиқ мураккаб опе- рацияни ҳам ўтказди. Бу жараёнда у, ҳат- то ҳазилкашлик ҳам қилган.

5. ЮЗНИ КЎЧИРИШ. 2007 йилнинг январь ойида 31 ёшли Паскаль Колер ўта ноёб ва кўрқинчли хасталик бўлмиш нев- рофиброматоз (Реклингхаузен касаллиги) бўйича операция қилинди. Бу хасталик унинг чеҳрасини мудҳиш қиёфага солган эди. Улкан ўсимта шўрлик Паскални ри- соладагидек тановул қилишига ҳам ҳа- лақит бериб, уни одамови қилган эди.

Профессор Лоран Лантиери ҳам- касблари билан марҳум донорнинг юзини кўчириб ўтказиш амалиётини олиб бор- ди. Операция 16 соат давом этиб, ижобий яқун топди. Колернинг қиёфаси марҳум донорнигага ўхшамайди, унинг юзидаги суякларга тегирилмаган.

Француз жарроҳлари 30 ёшли Пас- каль Колерга том маънода янги ҳаёт ва бахт тўхфа этишган эди. Бояқиш 24 йил мобайнида юқорида номи тилга олинган касалликдан азоб чекиб келган. Айтишлар- ича, бундан юз йилча муқаддам машҳур Жозеф Меррик ҳам шу хасталик билан оғриган экан. Меррик ҳаёти Дэвид Линч- нинг “Фил-одам” фильми сюжетиға ай- ланган.

Шифокорлар Паскални жарроҳлик столиға ётқизишдан олдин у ҳар қандай лаҳзада ҳаётдан кўз омиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришган эди. Паскаль

ҳеч қандай иккиланишсиз бу имконият- дан фойдаланишга қарор қилганини бил- дирди.

– Операцияга тайёрлай бошлаганла- рида мен нихоятда шод эдим, – дейди у. – Ахир, бошқалар каби ҳаёт кечириш им- кониятини қўлга киритишим мумкин эди. Энди менга бошқача нигоҳ ташлашди.

Жарроҳлик амалиётдан сўнг у ка- салликдан буткул халос бўлди ва ҳисоб- чилик касби ҳамда оила қуриш ҳақида ўй- лай бошлади.

Собиқ “фил-одам” шахси сир туги- лаётган ўзининг донори ким эканлигини ҳам билмайди. Бироқ уни миннатдорлик би- лан эслайди.

– Мен ўз халоскоримнинг руҳи шод бўлиши учун ҳар куни дуо қиламан, – дей- ди Паскаль News Of The World нашрига берган интервьюсида. – У менга нафақат юзимни, балки ҳаётимни ҳам ҳада этди.

6. ИККИ МАРТА ТУГИЛИШ. Аме- рикалик Кери Маккартни ҳомиладор- лигининг олтинчи ойида туғилажак бо- ласининг думғазасида хатарли ўсимта борлигини билиб қолди.

Хьюстондаги болалар госпитали жар- роҳлари Керини беҳуш қилиб, бачадони- ни олишди. Уни очиб, ҳомиланинг боши ва елкасини қолдириб, 80 фоизлик танасини кўтаришди ва ўсимтани олиб ташлашди. Шундан сўнг махсус мосламалар ёрдами- да ҳомилани бачадонга қайтаришди.

Орадан ўн ой ўтиб, бола соғ-саломат тарзда “қайта туғилди”.

Акбар ФАТХУЛЛАЕВ
тайёрлади.